

**Бахриддинова Олтиной Бобошер қизи**

*Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш университети 1-босқич талабаси  
bahriddinovfaxriddin4@gmail.com*

**Аннотация:** Ушбу мақолада узлуксиз таълим жараёнида уқувчи ёшларни тарбиялаш методикаси, улар маънавиятини ривожлантиришида уқитувчи, ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг узига хос хусусиятлари илмий педагогик жихатдан асосланган.

**Калит сузлар:** Узлуксиз таълим, тарбия, уқитувчи, маънавият, уқувчи-ёшлар, ота-она, мактаб, оила, синф раҳбари, илм, метод, ахлоқ.

**Abstract:** This article is scientifically and pedagogically based on the methodology of teaching students in the process of lifelong education, the importance of developing their spirituality and the specific characteristics of teachers, parents and the general public in this process.

**Keywords:** lifelong education, upbringing, spirituality, students, parents, school, family, class teacher, student, science, method, ethics, national values.

#### КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 30 сентябрда " Устоз ва мураббийлар куни"да сузланган нуткида "Халкимиз хамиша устозларни эъзозлаб, уларнинг хурмат-иззатини жойига қуйиб келган. "Устоз ота каби улуғ" деган хикматли нақл ҳам бежиз айтилмаган. Энди

ана шу сузларни коғозда эмас, амалда қарор топтирадиган, уқитувчи-муаллимнинг кадр-қимматини жойига қуядиган пайт келди"деб таъкидлаш билан бирга уларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнати масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Ушбу қуйилган масалалар узлуксиз таълим жараёнларини, ота-оналар билан ҳамкорлик ишларини юкори даражада булишини талаб этади.

Дархақиқат, бугунги тез узгараётган замонда, барча уқитувчилар синф раҳбарлари, ота-оналарнинг тарбияга оид билим ва малакасини мунтазам ошириб бориш долзарб муаммолардан хисобланади. Чунки, юртбошимиз

таъкидлаганидек "Мактаб - фақатгина таълим берадиган маскан эмас, барчамиз учун юксак маънавият бешигига, фарзандларимизни болалиқдан бошлаб касбга ургатувчи даргоҳга айланиши зарур." Демак узлуксиз таълим тизимида уқитувчиларнинг илм-фан соҳасида фаол ишлаш, ёшлар тарбиясига оид лойиҳаларда иштирок этиш, илмий-методик дастурлар яратиш кабилар уқувчи - ёшларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти, куч-қудрати ва олижаноб фазилатлари улуғ ва эзгу мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади.

Шу жихатдан ҳам ёшлигиданок болаларда "Акл ва фикр тарбиясини яхшилаш учун унинг фикрлаши, заковати, хотираси ва қобилиятини такомиллаштиришга ёрдам берувчи машғулотлар утказиш, турли ибратли эртак ва хикоялар сузлаб бериледи, зарур билим ва маълумотлар бериш муҳим ҳисобланади. Одатда, болалар кичик ёшда ҳар бир қурган нарсаси ҳақида сурайдиган, уларни текширтириб, синаб қурадиган, тинимсиз саволлар берадиган бўлади. Бундай пайтда уларнинг саволларига эринмай, ҳафсала билан, тушунарли, содда қилиб жавоб қайтариш ва тарбиялаш зарур." (4, 61)

"Педагогика фанидан изоҳли луғат" китобида "Тарбия -инсон шахси маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган саъи - ҳаракатлар тизимидир" деб таъкидланади. (5, 449)

Чунки, тарбия - ёш авлодни ҳар тамонлама вояга етказиш, унда ижтимоий онг ва ҳулқ-атворни таркиб топтиришга йуналтирилган фаолият бўлиб, шахсни ақлий, жисмоний, ахлоқий, маънавий ва эстетик сифатларини шакллантиришни назарда тутади.

Тарбия оила, мактаб, болалар ва ёшлар ташкилотларида олиб бориладиган жараёнлар асосида укувчи онги ва билими даражасини шакллантиради.

Тарбия жараёнини амалга оширишда укувчи, ота-она ва жамоа билан ҳамкорликда бошқариш қабилар унинг таркибий қисмлари ҳисобланади.

#### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш қўл жихатдан укувчи ва укувчиларнинг узаро муносабатлари ҳамда ижодий фаолиятининг ташкил этилишига ҳам боғлиқдир. Бунда укувчилар укувчиларга қўллик ҳаётини воқеалар, жамоадаги тартиб-қоида ва ҳулқ-атвор масалаларининг аниқлиги ва таъсирчанлиги жараёнини лойихалаштириш, шакл, метод, шарт-шароитларни олдиндан аниқлаб қўйилган мақсадга мувофиқлаштириш, уларнинг рухий ҳолатлари, мулоқот ва муносабатлари, маънавий шарт-шароитларнинг яратилиши, тарбиявий тадбирларнинг ахлоқий талабларга жавоб беришида, уларнинг фаоллиги ихтиёрийлиги, ташкилотчилиги ва ижодкорлигига аҳамият бериледи.

Тарбиявий ишлар мазмунида соғлом ҳаёт, соғлом турмуш тарзи, соғлом эътиқод, барқамоллик, миллий қадриятларга сарфат, жамиятдаги тинчлик, хотиржамликни сақлашга онгли муносабатда бўлиш, тинч ва фаровон ҳаёт яратиш, ижтимоий маънавиятни юксалтиришга интилиш қабилар асосий уриниш эгаллаиди.

Тарбия уч насага эҳтиёж сезади: истеъдод, илм ва машқат. Шу маънода укувчилар, синф раҳбарлари тарбиявий ишлар жараёнида инсон шахсини олий қадрият деб билиш, ҳар бир бола, усмир ва ёшларнинг узига ҳослигини ҳурмат қилишда миллий урф-одатлар, анъана ва миллий меросга асосланиш ва ушбу жараёнда уларнинг фаол иштирок этишини ташкил қилиш ва ривожлантириш муҳимдир.

Ушбу жараёнда синф раҳбари укувчиларнинг тарбияланганлик даражасини урганиш, унга тарбиявий таъсир қўлатиш маҳоратига эга бўлиш, тарбиявий ишлар ва



тадбирлар учун зарур булган методларни танлаш, кузланган мақсадга эришишда ота - оналар билан ҳамкорлик қилиш тажрибаларни таҳлил қилиш ва улардан ўз фаолиятида ижодий фойдаланиш қабилар тарбиявий ишлар самарадорлигини оширади.

Шу жиҳатдан ҳам ўзлуксиз таълим тизимида:

- тарбиянинг бир мақсадга қаратилганлиги;
- тарбиянинг ҳаёт ва меҳнат билан, янги Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлида қилинаётган ишлар билан боғлаш;
- шахсни жамоада, жамоа орқали тарбиялаш;
- тарбияда бола шахсини ҳурмат қилиш ва унга талабчанлик бўлиш;
- тарбиявий ишларнинг изчиллиги, мунтазамлилиги ҳамда бирлигига эришиш;
- тарбияда ўқувчи ёшларнинг ўзига ҳос хусусиятларини ҳисобга олиш;
- тарбиявий ишларни амалга оширишда ўқувчи билим, қуниқма, малакаларни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама маънавий-ахлоқий жиҳатдан интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялаш;
- тарбиявий таъсир қурсатишда зарур булган методларни қўлай олиш;
- замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланилади.

#### МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тарбиявий ишлар методикаси ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқдир. Методика (юнонча-methodika) бирор ишни бажариш, амалга ошириш, ўқитиш, тарбиялаш усуллари ва воситалари мажмуасидир.

Тарбиявий ишлар методлари эса ўқувчиларга таъсир қурсатиш усуллари, воситаларини педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ташкил этиш йўлларидир.

Методлар ўзлуксиз таълим тизимида тарбия ишларини туғри ташкил этишда муҳим восита бўлиб, унинг самараси ўқувчи - ёшлар шахсининг ҳар томонлама қамол топишида таъсир қурсатади. Тарбия методлари воситасида жамият тамонидан таълим муассасалари олдида ҳар томонлама барқамол, эркин, ижодкор, ташкилотчи, мустакил фикр эгаси булган шахсни тарбиялаш вазифасини амалга оширади ва уларнинг ривожланганлик даражасини такомиллаштиради. Ушбу жараёнда ўқувчининг ижтимоий онгни шакллантириш ва меҳнат фаолиятига тайёрлаш, рағбатлантириш методлари уларнинг ҳаёт, ахлоқ, меҳнат қилиш муносабатлари туғрисида қоида ва меъёрларини ҳосил қилиш қабилар шахсининг эътиқоди ва ишончига айланиб боради.

Тарбиявий ишлар жараёнида суҳбат, тушунтириш, маъруза, баҳс, намуна қурсатиш, ургатиш, қайта тарбиялаш, машқ қилиш, соғлом муҳит яратиш, макташ, муқофотлаш қабилар ўқувчи ҳаётида муҳим аҳамият қасб этади. Ёш авлоднинг, умуман ёшларининг тарбияси билан етарлича шуғулланмаган мамлакат туғунликка ва оқибатда инкирозга юз тутади. Бунинг олдини олиш ўзлуксиз таълим тизимида тарбиявий ишларни оқилона амалга оширишдир.

Шуни алохида таъкидлаш керакки тарбия оиладани бошланади, яъни "Куш уясида курганини килади" деган халк маколи мавжуд. Оила - кичик давлат эканлигини болаларга ёшлигидан тушунтириш уларнинг ахлокли-одобли булиб вояга етишда буюк алломаларнинг ота-она ва фарзандлар хакидаги фикрлари ва уларнинг тарбиявий ахамиятини мактабда, оилада ва жамоада урганиш уларнинг талаб-эhtiёжлари ва кадриятларини шаклланишида дастури амал булиб хизмат килади.

Фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчи ва вазифалари уларни қобил, инсонпарвар, камтарин булиб уюшида илм ва хунар урганиши, юриш-туриш маданияти, уйда, жамоат жаойларида узини тутиш, кийиниш маданияти, меҳмон ва меҳсон булиш, дам олиш қоидалари, беморларни йуқлаш ва таъзия удумлари, оилавий саналар ва ҳадиялар, узбек миллатига хос булган миллий кадриятларни ривожлантиради.

Фарзандлар оила муҳитида ота-оналарнинг билимларини узлуксиз эгаллаш, уни қуршаб турган ҳаётнинг барча томонлари ва жабуҳалари буйича уз дунёқарашига эга булиш, уларнинг индивидуал қобилиятини ривожлантириш, атрофдагиларга нисбатан масъулият ҳиссини қамол топтириш қабилар шахснинг ижодий қобилиятларини, унинг Ғайрат ва ташаббусқорлигини оширишга имқон яратади. Бу уринда синф раҳбари ота - оналар билан боланинг зехнини устириш уларда меҳнатга қанқоклик ҳиссини уйҒОтиш, ҳаётда эътиборли ва бахтиёр булишига шарт шароитлар яратади. Узлуксиз таълим тизимида укувчини яхши ҳатти-харакатларга мажбур этишгина эмас, балки уларда меҳнатга қуниқма ва меҳрни қучайтириш, ҳаётда узига лойиқ иш топа билиш имқониятини яратиш учун оилавий шарт-шароитларда унинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Демақ, ота - оналар уз фарзандларида яхши фазилатларни устирса, улар қелажақда маънавий бой, жиқмоний барқамол булишнинг асосини ташқил этади. Шундай экан, укитувчининг бош вазифаси бола руҳида адолат ва эзгуликни шакллантириш, ҳаётнинг раҳмсиз зарбаларидан омон сақлаш ва ривожлантиришга қулақлашишдан иборат. Укитувчилар ва ота - оналар билан биргалиқда бугунги мураккаб глобаллашув даврида укувчи ёшларда миллий ҒОя ва мафқуравий имқунитетни қучайтириш, уларни турли зарарли ҒОя ва таҳдидлардан асраш, уларни уз мустақил фикрига эга, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар.

Албатта, ушбу жараёнида миллий тарбия асосларини урганиш укувчиларда фахр, Ғурур ва ориятни шакллантириш, бугунги мустақил, эркин ҳаётимизнинг кадрига етиш, ватандошларимизга меҳрибон булиш, бева-бечораларга ёрдам бериш аҳил, тотув ва қудратли халқ булиш, туйҒусини ривожлантиришда муҳим урин тутуди. Шу жиҳатдан ҳам укитувчи тарбия жараёнида укувчи-ёшларда маъсулият, тежамқорлик, иқтисод, маънавиятни шакллантириш асосида уларда фаоллик, барчага урناق ва намуна туйҒуларни ривожлантириш муҳим. Чунки, тарбия халқимиз ҳаётидаги миллий ва умуминсоний ҒОялар асосида ушиб қелаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар қалбида юқсак ахлоқий фазилатларни, маънавий-маърифий билим доирасини қенгайтиришда муҳим урин тутуди. Шу



жихатдан узлуксиз таълим тизимида "Миллий тарбия асослари", "Тарбия миллат маданияти", "Китоб билим манбаи", "Билимли ёшлар - келажак бунёдкори", каби тарбиявий тадбирларни амалга ошириш укувчиларда дунёвий, диний билимлари ривожлантиради.

#### ХУЛОСА

Хулоса килиб айтганда, ҳар бир инсон қандай мутахасис бўлишдан қатъий назар унинг ҳаётдаги ютуқлари, касбидан эъзоз топганлиги, бевосита устозлари, уқитувчиларнинг берган тарбияси уқитларининг маъно-мазмуни ва олижаноблиги билан белгиланади. Чунки тарбия халқнинг дарди, армони, қадимий ва бетакрор маънавиятини ифода этади. Айниқса, бугунги мураккаб замонда ёшлар қалбига йул топиш, уларни эзгу мақсадлар йулида илҳомлантиришга даъват этади. Демак тарбия ёшларни, маънавият ва маърифатга булган меҳру ихлосини оширибгина қолмай, уларнинг эътиқодини ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилади.

#### REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикасининг 29 йиллиги байрамида Президент Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг сузлаган нутқи. Халқ сузи 2020 йил 1 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 30 сентябрда "Уқитувчи ва мураббийлар кунини" тантанали маросимдаги нутқи.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги "Умумий урта таълим муассасаларида "Тарбия" фанини босқичма - босқич амалга жорий этиш чора-тадбирлари тугрисида" 422-сонли қарори.
4. Алимов У Оилада фарзанд тарбияси. Т.: "Мовароуннахр" 2018 йил. 61 бет.
5. Хасанбоев Ж, Туракулов Х, Хайдаров М, Хасанбоева О, Усмонов Н Педагогика фанидан изоҳли лугат Т.: "Фан ва технологиялар" 2009 йил 449-бет
6. Жабборова, О. М., & Бозоров, Н. Н. (2020). УЎҚИТИШНИНГ КЛАСТЕР УСУЛИ. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (4), 373-377.
7. Тожибоева, Г. Р., & Бекирова, Э. Р. (2020). АКТУАЛИЗАЦИЯ ТЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (4), 389-395.
8. Раев, С. Б. (2020). ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА УЎҚУВ АМАЛИЁТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (3), 1281-1286.
9. Lutfillo Karamatilloevich Akhatov, Akbar Nomozovich Rasulov, Oybek Kakhramonovich Mirzorakhimov, Mirzokhid Latipovich Sharipov, & Farkhodjon Anvarjon-ugli Ibrokhimov. (2020). The Outlookings of Religious and Sufism in Teaching of Abdurakhman Jami. *Journal of Critical Reviews*, 7(17), 112-116.
10. Nazirov, N. N., Ismayilov, A. Z., & Rasulov, A. N. (2020). The Impact of Economic Factors on the Family Crisis. *Евразийский союз ученых*, 6(75), 64-65.

11. ^ораев, С. Б. (2020). ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА У^УВ АМАЛИЁТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (3), 1281-1286
12. Jabborova Onahon Mannopovna, Jumanova Fatima Uralovna, & Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of Artistic Perception of Future Teachers. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(4), 4087-4095.
13. Тажибоева, Г. Р. (2020). Социальные проблемы и перспективы интеграционного обучения. *Журнал научных и прикладных исследований*, 1, 54- 55.
10. 14. Тожибоева, Г. Р. (2020). Психолого-педагогическая компетентность учителя начальных классов. *Science and World*, 1(77), 32-33.
15. Avlaev, O. U., Burkhanov, A. A., Ismoilova, D. M., & Norkuzieva, M. A. (2020). Factors Affecting the Intellectual Dynamics of the Individual. *Test Engineering & Management*, 83, 693-702.
16. Mirzarahimova, G. I. (2020). Pedagogical and Psychological Bases of Development of Educational Activity in Students. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 70217030.
17. Shagiyeva, N. (2020). The role of information technologies to teach Russian language. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(7).
18. Эшманова, Н. Н., & Матъякубова, М. Б. (2019). Тарбиячиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш. Таълимдаги инновациялар ва ислоотлар контекстида замонавий кластер тизими: муаммолар, ёндашувлар ва истцболлар, 1, 33-34.
19. Махкамова, Ш. Р., & Асадуллаева, М. А. (2020). «Великий шёлковый путь»: взаимодействие культур запада и востока в контексте проблемы модернизации музыкального образования в узбекистане. *Science and Education*, 1(4).
20. Бегматов, Б. Б. (2020). Роль и функции русского языка в условиях суверенного Узбекистана. *Наука и общество*, 1(65), 33-37.
21. Ражапова, И. Т. (2019). Методика обучения видам русского глаголов. *Илм сарчашмалари*.
22. Рустамова, С. Э. (2020). Применение технологии полного усвоения знаний в высшем образовательном учреждении. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (3), 360-368.
23. Утаев, А. Й. (2019). Булажак уқитувчилар сиёсий маданиятини шаклантиришнинг кластер тизими. "Таълимдаги инновациялар ва ислоотлар контекстида замонавий кластер тизими: муаммолар, ёндашувлар ва истцболлар" мавзусидаги илмий-амалий анжуман илмий ишлар туплами, 2, 50-53.
24. Абдусаматова, Ш. С., & Бурханова, М. Б. (2020). Куп фарзандли оналарининг оиладаги муносабатларининг хусусиятлари. *Oriental Art and Culture*, (4).



25. Шакирова, Р. Р. (2019). Отличительные особенности рассказа от других эпических жанров. Polish science journal, 169-172.